

Чўпон Тони Аламо  
фотосурат 1986

“Суякларга башорат қилиб айт, Эй қуриган суяклар, Эгамизнинг сўзи-ни эшитинг. Эгам Раббий суякларга шундай демоқда: Мен ичингизга рух соламан, сизлар тириласизлар.”<sup>3</sup>

Исроил ўзининг миллат сифатида мутлако йўқолганини биларди.<sup>4</sup> Шу кунгача, улар умидсизларча бўлинган. Аммо Худо Ҳискиёлга гуноҳ қилишдан тўхтамайдиган биринчи Исроилдан ҳам кўра буюкроқ бошқа бир миллатни тиклайман деди. Иккинчи Исроил дунёдаги ҳар бир миллатдан одамлар<sup>5</sup>, танланган Яхудийлар қолдиқлари ва Ҳакиқий Ток (Масих)га пайванд бўлган кўп Файрияхудийлар бўлади.<sup>6</sup> У гуноҳдаги ўлик ҳаётимиздан абадий ҳаётга эга тирилган буюқ, муқаддас ҳалқ бўлажак.<sup>7</sup> Улар ҳеч қачон Худога қарши ўз ичидан бўлиниб кетмагай. Бу Масихнинг қайта тирилтириш курдати орқали биринчи тирилиш эди.<sup>8</sup>

1964 йилда, Масих орқали биринчи тирилишимдан аввал, Тони Аламо сифатида ҳам танилган мен, Берни Хоффман гуноҳ қилиш ва худобезорлигим

бўйича ҳам машҳур эдим, ҳамда Худо ҳакида мутлақо билимга эга эмасдим. Худонинг борлиги ҳакида ҳеч қандай тасаввурим йўқ эди. Худонинг сўзлари менинг учун афсона ва үйдирмадек эди ва мен Худо ёки Унинг Ўғлига одамлар қандай қилиб ишона олишларини тушуна олмасдим. “Худога ишонаман”-деганларга ишона олмасдим, чунки улар иккιозламачи эдилар. Улар мен не қадар қилган бўлсан, ўшанча ёки ундан ҳам кўпроқ гуноҳ қилганлар. Улар билан борди-келдимиз бўлиб тургани учун биламан. Биз ҳаммамиз бир тўп ўлик, қуриган суяклар эдик. Агар кимдир мени Масихийликка киргизишга урингидай бўлса, жаҳлим чиқарди, чунки менинг учун Инжил беҳудага вақт кетказиш эди. Мен яшаган ҳаёт ўйинлар ёки эртакларга умуман ўрин қолдирмаган эди.

Маркетинг саноатида № 1 ҳисобланардим. Кўплаб дунёга машҳур қўшиқчилар ва актёрларнинг муваффакиятли карьеरаси бўйича, шу билан бирга бир қанча яхши танилган

маиший товарларни муваффакиятли тарзда мақтаб овоза қилишлар бўйича мъясул эдим. Ўшанда менинг энг мудҳиш ҳолатим Масихийликка киритган ва баъзи хароба биноларда яшаб, хушхабарни тарғиб этиб, ҳамда оч-наҳор кишиларни тўйдирish учун озиқ-овқат навбатларини ташкил қилиб кўча муюлишларида Исо тўғрисида хушхабар варагаларини тарқаттирган ҳолатим эди.

60-йилларнинг ўрталарида, дунё назаримда менга унчалик яхши туюлмаётганди. Гиёхванд моддаларни ёки чўчқа каби исқирт ахлоқли одамларни ёқтирасдим. Шунингдек, хиппи ҳаракати Голливудга нима қилаётганидан, Сонсет Стрип ва дунёдан жирканардим. Менга келсақ, ўзим ҳам авлиё эмасдим. Одамлар болалари билан оиласи олдида кўз-кўз қилмагунча гуноҳ қилаётгандари билан ишим йўқ эди. Менинг учун дунё тугаб бўлган, ўлик, қуриган, жирканч, ва умидсиз<sup>9</sup> эди. Энди ҳақиқатан ҳеч (Сахифада давоми бор 2)

**1** Ҳизк. 36:1, 4 **2** Ҳизк. 37:3, асл. Ибр. **3** Ҳизк. 37:4-5, асл. Оромий **4** Ҳизк. 37:11 **5** Ибр. 17:4-16, 22:18, 26:4, 46:3, 48:19, 49:10, Чик. 19:6, 32:10, Заб. 22:27, Иша. 2:2, Юх. 11:51-52, Ҳав 10:34-35, Эф. 1:10, Ибр. 8:8-12, 1 Бут. 2:9-10, Вах. 5:9, 14:6 ва кўплаб бошкalar **6** Юх 15:1, Рим. 11:17, 19, 23, 24, Вах. 7:4 **7** 1 Бут. 2:9 **8** Рим. 15:12, 1 Кор. 15:15, 16, Кол. 2:12, 3:1, 1 Сал. 4:16, Вах. 20:5-6, **9** Матт. 13:39, боб. 24, 1 Кор. 15:24, Ибр. 9:26, 1 Бут. 4:7

# ТОНИ АЛАМОНИНГ ГУВОХЛИГИ

(1 Саҳифанинг давоми)

нарсанинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Дунёдаги бошқа одамлар ҳам буни мен билганим каби биларди деб ва бунинг чинлигидан қочмоқчи бўлиб гиёхванд қабул қилишарди деб ишонардим. Ибодатхоналар иккизозламачи эдилар; буни ҳам барча билгандай туюларди. Бутун дунё ўз гунохлару жиноятлари тифайли ўлик эди.<sup>10</sup> Дунёйнан Ҳискиёл кўрганлари каби қуриган суюкларнинг бепоён водийси эди.<sup>11</sup>

Мен Беверли Хиллдаги идорада Исони жуда ғайритабии ҳолатда учратдим. Худованд У ва Унинг Ўғли ҳақиқатан борлигини исбот қилганда не қадар ваҳимага тушганимни, яна қанчалар хурсанд бўлганимни ҳеч ким умуман тасаввур қила олмаса керак. Мен Унинг ажойиб Муқаддас Рухини хис қилганимдан ва гўёки мен сузгичманки, сўзлар ҳам олдинга, ҳам ортга мен орқали ўтгандай танамнинг ҳар бир қисми бўйлаб ўтувчи Унинг қудратли овозини эшитганимдан ўта мамнун эдим. Унинг ҳузури улугвор ва илитувчи. Унинг Рухи Худонинг забардаст сикими каби менинг устимга кучли оғирлигини солди. Ва Унинг сўзлари менга “Оёғингда тур ва бу хонадаги одамларга Исо Масих ҳақида, ҳамда Унинг ерга қайтиб келаётгани борасида айт, акс ҳолда шубҳасиз ўласан” деб айтди.” Унинг Рухи идорага кирганда ва менинг устимга салмоғини солганда, Унинг ифодалаб бўлмас, ақл бовар қилмас фахм-идрокидан хабардор қилиндим.<sup>12</sup> У ҳар бир атом ва молекула эди. У ҳаво эди. У ўтмишдаги барча нарсани ва келажакда бўладиган ҳаммасини биларди.<sup>13</sup> Қачонлардир

**10** Эф. 2:1, 5, Кол. 2:13 **11** Ҳизк. 37:1 **12** Сах. 24:16, 1 Шоҳ. 2:3, Аюб 21:22, Заб. 32:8, Ҳикм. 2:6, 3:20, 9:10, Луко 1:77, Рим. 11:33, 1 Кор. 1:25, 2:16, 3:19, 2 Кор. 4:6

мен томонимдан содир қилинган ҳамма нарсани Унинг билишини билганим учун хижолат тортдим. Сўнгра, У Жаннат ва Дўзахни кўрсатган Худони топишни ўйлаб ташвишга тушгандим.

Менинг учун ваҳимали бўлсада,<sup>14</sup> Худонинг ҳақиқатан мавжудлиги ва тириклигини ҳамда пайғамбарлар ва ҳаворийларнинг У ҳақида айтганларининг ҳаммасини билиш шунингдек ажойиб эди. “У” осмон, ер ва ундаги барча нарсаларни яратган кунларидан бошлаб умуман ўзгармаган.<sup>15</sup> Мен доимо Ундан кўркишимни, Унга ҳавас кўзи билан қарашибимни, хурмат қилишибимни, севишибимни ва Унга хизмат қилишибимни ўша захоти билдим. Унинг учун яшаш, кувгинда юриш ва Унинг учун ўлишини исташдан ҳам кўра кўпроқ нарсага бајонидил шай бўлишибимни билардим.<sup>16</sup>

Худо мени ўша идорадан халос қилгандан кейин, Ундан “Менинг нима қилишибимни истайсан?-деб сўрай бошладим. Сен нима десанг ҳаммасини бажо келтираман.” Мен ҳеч қандай жавоб олмадим, шунинг учун У менинг ибодатхонага боришибимни истади деб ўйладим. Энг каттаси энг яхшиси деб хисобладим; шу тифайли, у ерга бордим ва уни топа олмадим. Кейин бошқа ибодатхоналарга бордим, бирок У ерда ҳам йўқ эди. Сўнгра, муқовасида узун соқолли ва диндорларга хос кийим кийган, доно ҳамда тақвадор кўринган йигитларнинг суратлари туширилган китобларни ўқидим, аммо Худованд кўркинчли бўлмаслигини,<sup>17</sup> Худо одамларни кўркитмаслигини, шунингдек Дўзахга бормасдан гуноҳ қилинингиз мумкинлигини айтганлари учун бу китоблар нотўғри эканлигини билдим.<sup>18</sup> Бу каби Худодан ташвишга тушмаган эдим; Мени кўркитган Ҳудони,<sup>19</sup> бошқа ҳеч ким мени мажбур қила олиши мумкин бўлмаган, мен ҳеч

қачон бажаришни истамаган нарсани қилишга мени мажбур қилиб менга Жаннат ва Дўзахни кўрсатган Худони топишни ўйлаб ташвишга тушгандим.

Библияниг ниҳоятда кўп нусхалари ён атрофда кенг тарқалгани учун, мен ҳақиқатни Ундан топиш мумкинлигини ҳеч қачон ҳаёлимга келтирмаганман. Кенг омма танлаган ҳеч қандай нарса оқилона бўла олмаслигини хис қиласдим, чунки ҳамма одам аҳмоқ деб хисоблардим. Ахийри Библияни ўқий бошладим ва унинг ичидаги нажот режасини ҳамда Масихда қандай ўсиш ва Унинг учун руҳий жиҳатдан қандай қилиб кўп қалбларни зabit этувчи бўлишни айтган абадий ҳаёт учун кўрсатмаларни топдим.<sup>20</sup>

Библияни илк бора ўқий бошлаганимда, ўша Беверли Хиллс идорасида мен хис қилган Худо (Масих)нинг айни кучи устимга оғирлигини солаётганини хис этдим. Кейин Худо менга Жаннат ва Дўзахнинг бошқа ваҳийларини кўрсатди.<sup>21</sup> Худога “Раббим, мени Дўзахга йўллама!” деб илтижо қилдим. Сўнгра Жаннатни кўрдим ва Жаннатда мен ҳеч хис қилмаган тинчликни хис қилдим.<sup>22</sup> Рухан кўр, ялангоч ва кичик имонга эга бўлган бўлсам-да, агар ушбу жаннатий тинчликни абадий хис қила олсам, кўр, ялангоч ва арзимас бўлиб қолаверишибимни мен Худовандга айтдим. Бир маротаба дўзахни кўрдим ва яна Худога муруват ва кечирим учун илтижо қилдим. Кейин бўлса, Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух кучи фоний танамга кирди.<sup>23</sup> Исодаги имоним ва Унинг менинг учун тўккан қони, ҳамда мен эшитган ва кулоқ солган Худонинг сўзларидаги имоним орқали,<sup>24</sup> юрагимдан узилиб чиккан қачонлардир қилган ҳар бир гуноҳимни хис этдим.<sup>25</sup> Ўзимни тоза ва пок хис қилдим.<sup>26</sup> Қандайдир жуда ажойиб нарса менда рўй берган эди ва бу Исо Масих, “Истроил ҳалқининг Муқаддас Худоси” томонидан менга ва менинг учун қилинган эди”<sup>27</sup> Мен гуноҳдан кутилганимдан ва бошқалар

**13** Заб. 44:21, 94:11, Иша. 46:9-10, 1 Кор. 3:20, 1 Юх 3:20, Вах. 21:6, 22:13 **14** Ибт. 35:5, Лев. 26:16, Аюб 31:23, Жер. 32:21, Ҳизк. 32:32, 2 Кор. 5:11 **15** Ибт 1:1, Мал. 3:6, Ҳав 4:24, Ибр. 13:8 **16** Заб. 5:11, 35:19, Иша. 51:11, 61:10, Юх 16:33, Ҳав 2:28, 20:24, Рим. 12:8, 15:13, 2 Кор. 8:12 **17** Ибт. 22:12, Заб. 112:1, Ҳикм. 13:13, 14:16, 28:14, 31:30, Воиз. 7:18 **18** Ҳикм. 8:36, Ҳизк. 18:2, 4, Вах. 19:20, 20:10, 14, 15, 21:8 **19** Ибт. 2:17, 6:7, 9, 13, Чик. 20:5, 32:33, 34:7, Ҳизк. 3:18, 18:20, Матт. 8:12, 22:13, Марк 16:16, 2 Кор. 5:11, Вах. 2:5, 16, 22-23, 3:3, 20:15 **20** Юх 4:35-36, 15:5, 8, 15-16, Вах. 14:18 **21** Иша. 5:14, 14:9, Луко 16:22-31, Ҳав 7:55-56, Вах. 4:1-11, 14:10-11, 15:1-4, 20:10, 21:2-5, 10-27, 22:1-5 **22** Рим. 5:1, Эф. 2:14, Филип. 4:7, Кол. 3:15, 1 Сал. 5:23, 2 Сал. 3:16 **23** Лев. 26:11-12, Юх 14:16, 2 Кор. 6:16, 1 Бут. 2:5, 1 Юх 3:24 **24** Хаб. 2:4, Матт. 17:20, Луко 7:50, Ҳав 20:21, 26:18, Рим. 1:17, 3:28, 5:2, 10:17, 11:20, Гал. 2:16, 3:11, Эф. 2:8, 3:17, Ибр. 10:38 **25** Марк 14:24, Юх 6:53, Ҳав 20:28, Рим. 3:25, 5:9, Эф. 1:7, 2:13, Кол. 1:14, 20, Ибр. 9:12, 14, 22, 1 Бут. 1:18-19, Вах. 1:5, 5:9 **26** Ибр. 10:19-22, 1 Юх 1:7, Вах. 1:5, 7:14 **27** Заб 89:18, Ҳав 3:13-14



ҳам Уни била олишлари ва абадий ҳайтга эга бўлишлари учун бутун дунёга айтишни истаган гуноҳларимни қилишдан мени саклаган шу янги кучга эга бўлганимдан ниҳоят хурсанд эдим.

Ҳатто 1964 йилдан буён Масих хизматида бўлганимдан кейин ҳам, ҳар қачон Библияни ўқиганимда ушбу бир вақтлардаги жуда куриган суюларга Худодан тўкилган руҳий иликни хис қилдим. Худонинг Сўзи руҳий қўйимич пайини руҳий курол танаси ва териси билан қоплаб ушбу бир вақтлар куриган суюклар атрофига қўйди. Худонинг ҳар бир Каломи Масихни юригимга янада кўпроқ пайвандлади. Йиллар давомида Шайтон менга отган бутун оловли найзаларни ўчириш, бардош бериш ва тўсқинлик қилиш кучини менга бериб Юрагимга Муқаддас Рух нафасини пуркаган Худонинг ҳар бир Каломини ҳалиям хис қила оламан. Исо Масих орқали “ҳамма қийинчиликлар устидан бутунлай голиб бўлишимиз”<sup>228</sup> ни ва биз “Унда тўла-тўқис”<sup>229</sup> эканлигимизни янада тўликроқ билмоқдаман. Ва мен шунингдек булат ичida Жаннатга кўтарилишидан бир лаҳза олдин, “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар”<sup>230</sup> деб айтган Исонинг ҳар бир Каломига қулоқ солиш ва унга риоя қилиш қанчалар мухим эканлигини ҳам биламан.

(Давоми 8 саҳифада)

28 Рим. 8:37, 1 Юх 4:3-4 29 Кол. 2:10 30 Марк 16:15, Луко 14:23



Тони Аламо Масиҳийлик Хушхабарчилик хизматлари  
Ёрдамчи Хизматчиси М.С. тарғиботчи Чўпон Аламонинг  
хушхабар варақалари—Конго Демократик Республикаси

## Танзания

Азиз Чўпон Аламо, менинг севикли ва Худо берган Чўпоним,

Отамиз ва Исо Масих Раббимиз берган иноят, марҳамат ва тинчлик сизга ва сизнинг худо йўлидаги хизматингиз учун ёр бўлсин. 1994 йилдан буён мен хизмат қилиб келаётган Худога миннатдорчилик билдираман. Мен Мусома, Танзанияда яшовчи хушхабарчиман. Хизматимни бутун мамлакат бўйлаб ва ҳатто Танзаниядан ташқарига ёйиш бўйича ишлаб келмоқдаман. Хўп, Чўпон, сизнинг ваъз қилаётган овозингизни ҳам эшитмаганман, юзингизни ҳам кўрмаганман, бироқ сиз, Чўпон Тони Аламо, энг машҳур ҳалқаро нотиқ ёзган “Куриган Суяклар,” Масих ва “Худо хўжалиги” каби ажойиб мактубларни мен ўқиган ва қабул қилган ажойиб адабиётларингиз орқали сизни таниганман. Бу адабиётлар орқали, мен Масиҳнинг танаси бўлмиш ибодатхона ҳақида сизнинг бугунги ва келгуси ташвишларингизни била бошладим ва тушуна бошладим. Мен ва Масиҳдаги хизматдошларим, ҳамда адабиётингиз орқали Масиҳни қабул қилган янги имонга

келганлар, Имонлилар Жамоати Ибодатхонаси (И.Ж.И.) деб аталмиш биродарлик иттифоқини шакллантиридик. Хизматингизни Шарқий Африка, айниқса Танзанияда ёйишни ва овлоқ қишлоқларда ривожлантириш ва кенг ёйишни истаймиз. Сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз, Чўпон. Радиокарнайлар, генератор, шу билан бирга янги имонга келганлар учун Библия ва ушбу хушхабарчилик хизмати ҳамда маҳаллий хушхабарчилик бўйича эҳтиёжларимизни қондириш учун таълимотларни ўз ичига олган адабиётлар билан таъминлашингизни ўтиниб сўраймиз. Бу орқали, Худо сизга мўл-кўл қилиб барака беради. Раббимиз хушхабарчилик хизматингизни марҳаматласин ва қилинган эзгу ишларингиз учун руҳий ҳаётингизни юксакларга кўтарсан. Миннатормиз ва ижобий жавобингизни интизорлик билан кутиб қоламиз.

Масиҳда Самимият ила,  
О.И.М.

Танзания, Шарқий Африка

## Калифорния

Азиз Чўпон Аламо,

Муқаддас Рух қути ва тўла-тўқис жанговар аслаҳанжомлар, Худо берган барча курол-аслаҳалар билан куролланган ҳолда ушбу мактубни ёзмоқдаман (Эф. 6:10-17). Якинда, Худо лашкарларида биродарлар билан руҳий ўсиш ва мулоқот қилиш орқали, Библияниң муайян ҳақиқатлари ва сирлари Муқаддас Рух орқали ошкор бўлди. Худо ҳозир Ўзининг танланганларини ҳозирлаётганини биламан, ҳамда сизнинг асарингиздаги бир саҳифага дуч келдим. Шуни айтишим керакки, Худо мен муайян ҳақиқатни билишга эҳтиёж сезган ҳал қилувчи онда бу асарингизни менга етказди. Хушхабарчилик хизматингиз менда ниҳоятда катта таасурот қолдириди. Сиз башоратнинг барча тотли жиҳатларини менга айтадиган totlanтирилган эмас, балки тоза ҳақиқатдирсиз. Илтимос, мени аъзолик рўйхатингизга қўшинг ва почта рўйхатингизга жойлаб қўйинг, мен ҳам Худонинг ҳақиқат қиличи билан куролланган Муқаддас Рухда ў сай. Мен давлат қамоқхонасидаман, шунинг учун қаттиқ жилди китобларни йўлламанг. Мен пул ҳайр-эҳсон қила олмайман, лекин сизнинг кучли хушхабарчилик хизматларингиз гуллаб-яшинаши учун ибодатларим сизнинг тўлиқ мустаҳкам ўрнашувингиз учундир.

Хурмат ила,  
Б.Л.

КопКопан, Калифорния

# ХИНДИСТОН

Хиндистоннинг Тони Аламо Масихийлик Хизматларида Ҳиндистонлик биродарлардан Саломлар. Муқаддас Библиялар ва Йўлбошчани ўз ичига олган бир қанча бошқа адабиётларни олганда хурсанд ва миннатдор бўлдим. Ибодат тарзида, Масихий биродарларим ва Мен инглиз тилини биладиганлар учун најотнинг ҳакиқий режасини тарқатмоқдамиз, ҳамда инглиз тилини билмаганлар ва кишлоқ жойларда яшовчилар учун ушбу ноёб асарни она тилимизга таржима қилишга ҳам ҳаракат қилмоқдамиз. Кўп сонли одамлар, автобус ва машина ҳайдовчилари, олий ўкув юрти талабалари, тибиёт ва муҳандислик талабалари, заводлардаги ишчи ва хизматчилар, ўқитувчилар, ҳамда бу адабиётларни катта қизиқиши билан қабул қилган барча одамларни ушбу најотнинг ҳакиқий режасини ташувчи адабиёт марҳаматламоқда. Шахримизда адабиётингиз орқали ўзларининг шахсий Нажоткори сифатида Исо Масиҳни кўплаб одамлар қабул қилди. Илтимос, қимматли



*Биродар Т.Р. тарғиботчи Чўпон Аламонинг жонли, қалбни забт этувчи китоби, Йўлбошчи—Ражаҳмунди, Ҳиндистон*

ибодатларингизда хизматларимизни кўллаб-қувватласангиз. Эҳтиром ила  
Хурмат ва эҳтиром ила,  
Чўпон Н.Т.  
Рампачодаварам Мандал  
Ҳиндистон

**Бу Чўпон Аламо китобидан, Йўлбошчидан парча  
Босма қўринишида Энг буюк Мўжиза:**

## Йўлбошчи

Ёзувлари

### Библия Башоратига кўра

“УНГА қадимий пайтамбарларнинг ҳаммаси ҳам шаҳодат берганлар” (Ҳав 10:43).

“Ўроғлиқ битикда Мен ҳақда битилган”

(Забур 40:7, Ибр 10:7).

(В) Ишаё 53 (давоми)

**(9) Масиҳнинг ГУНОҲДАН ХАЛОС ҚИЛУВЧИ АЗОБЛАРИ, Ишаё 53:4-6, 8, 10-12:**

“Шубҳасиз У БИЗНИНГ дардларимизни ўзига олди ва БИЗНИНГ оғриклиаримизни ўз зиммасига олди... У эса БИЗНИНГ гуноҳларимизни деб ярадор бўлди, У БИЗНИНГ гуноҳлар учун мамоталок бўлди: БИЗГА тинчлик келтирадиган жазо УНГА тушди; ва УНИНГ яралари БИЗга шифо берди... Ҳаммамизнинг айбларимизни ЭГАМИЗ УНИНГ зиммасига юклиди...

ҲАЛҚИМИЗнинг гуноҳи туфайли УНГА зарба тушди... Сен Унинг қалбини гуноҳ учун қурбонлик қиласан.” “У УЛАРНИНГ айбини ўзига олади... Кўпларнинг гуноҳини У ўзига олади.”<sup>1</sup>

Ушбу бобнинг ажойиб ҳақиқати **Йўлбошчининг гуноҳдан холос қилиши, бошқалар ўрнига азоб чекишидир.** Ушбу ажойиб боб ўн иккигина оятни ўз ичига олади, бутун инсоният учун гуноҳдан ҳолос қилувчи таълимотни ўн тўрт марталаб эълон қиласди. Бутун бўлим (Иш. 52:13-53:12) ушбу тушунча билан тўла ва ҳеч қачон Эга-

миз Исо “биз учун... гуноҳкордай жазолмагунча” (2 Кор. 5:21) ва “бизнинг гуноҳларимиз учун ўлмагунча” (1 Кор. 15:3) сир очилмади.

Эгамиз “ҳаммамизнинг гуноҳларимизни Унинг зиммасига юклиди” (Иш. 53:6). Йўлбошчи инсоният устига тушадиган ҳукмнинг барча алангали нурлари устига тушган илохий Қутқарувчидир. Масиҳнинг одамлар ўрнига гуноҳларни поклаши билан Худонинг қудрати накадар ажойиб! Шу тариқа, хоч тўсатдан Масиҳнинг энг ёмон хўрланиши бўлди, шундай бўлса-да, Унинг энг юксак улуғворлиги-ҳамда одамларга најот келтиришнинг тайнланган йўллари бўлди.

Эгамиз Исо келганда, Ўзининг хоҷдаги гуноҳларимизни поклаш учун курбонлик қилиши билан У ушбу Йўлбошчи башоратларини бажо қилди: “У гуноҳларимизни Ўзига олди, аъзои бадани дарахтда азоб чекди”. (1 Бутр. 2:24).

**(10) Масиҳ ИХТИЁРИЙ азоб чекди, аммо миқ этмади, Ишаё 53:7:**

“У жабр кўрди, ўзи уқубат чекди, Аммо миқ этмади, оғзини очмади. Бўғизланишга олиб борилган кўзидай, Жун қирқувчи олдида жим турган кўйдай У миқ этмади, оғзини очмади”.

Бошқа азият чекканлар айникса адолатсиз муомалада бўлингандা

<sup>1</sup> Илохий Муаллиф тез-тез намоён қилиш билан, ва турли шаклларда ва халиям бир хил шаклда, бир жойда муваффакият қозонган уни бошкасида учратишга мажбур бўлган ҳолда гуноҳдан ҳолос қилиш таълимотини йўқ қилиш учун ҳар кандай топкирлик ёки ўрганишини имконсиз қиласди.



*Чўпон Аламонинг қалбни забт қитуевчи адабиёти ва Тони Аламонинг Масиҳий Хушхабарчиллик хизматларидан Чўпон Майк Омоасегун ва унинг баъзи бир қавмлари Библиянинг Шоҳ Ёқуб Нусхасини қабул қилмоқдалар —Сулейа, Нигерия.*

одатда норозилик ёки шикоятни қайд киладилар— бироқ азият чекувчи Масиҳ ундей эмас. У ихтиёрий равишда Ўзини “гуноҳларимизни ўзига олиб” тайинланган вазифага топширди ва бўғизланишга олиб борилган кўзидай борди. Ҳайрон қоларли ва улуғвор сукунат билан, Масиҳ энг охиргисига ҳам бардош беради, чунки Эгамиз буни истайди. Ва бу ерда чексиз севгининг тушуниб бўлмас сирларига юқоридан бокамиз.

Янги Аҳдда, Исо Масих калтакланганда, ноҳақ айбланганда, шафқатсиз муносабат килинганда, масхара қилиб ҳақоратлаганда, устига тупурганда, қувгин килинганда, ур калтак-сур калтак килинганда, қамчилагандан ва хочга михланганда, ҳеч қандай хафагарчиллик олови, Унинг хочга михлашни ижро қилувчиларига қарши айбловлари, бақириб айтилган шикоятлари йўқ эди, фақат ибодат киласди.

Унга қарши кўплаб сохта гувоҳлар пайдо бўлгандан сўнг, олий рухоний, деди, “Жавоб бермай тураверасанми?”... Бироқ Исо жимлик сақлади” (Мат. 26:59-63).

Мана бу Исонинг хочга михланишидаги азият чекаётганидаги ибодатидир: “Ота, уларни кечиргин; улар нима қи-

лаётганини билмайдилар” (Луко 23:34).

Бу бутун воқеалар бориши шу қадар одатдан ташқарики, табиат ва инсон тажрибасига қарши, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди, бироқ ҳам ғалати башорат, ҳамда унинг ҳаттоқи ҳайратлироқ ижро қилинишидан киши диккати тортилади, чўчиб лол қолади.

**(11) Қамоқ ва ҳукмдан олиб кетилганда, Йўлбошли Ўз ҳукм жараёнини химоя қилишга ОҚЛОВЧИси бўлмайди, Унинг айбисизлигини эълон қилишга ҳеч дўсти бўлмайди, Ишаё 53:8:**

“У қамоқ ва ҳукмдан олиб кетилди: ва УНИНГ наслини ким тасдиқлайди?”

Олий суд [Санхедрин] “ҳал қилувчи синовлар”да чикиб эълон қилиши учун айбланувчининг фойдасига бирон нима биладиганларни чақиришга одатланганди. Бу Носиралик Исонинг судида кузатилмади, бироқ Олий Суд олдида Унинг шошилинч, сохта судидаги иши ўз низомларига даҳшатли тарзда зид ва ҳуқук ҳамда адолатнинг барча стандартларига зид эди.

Исо ўша пайтдаги ердаги бузук Юхудий иерархияси ва энг катта

## Йигирма тўрт соатлик ибодатимиз ва боғланиш линиямиздан:

МакАллистер Кутубхонасидан Пасадена, Калифорниядаги Фуллер Теология Семинарида Д.Р чакирди ва у ерда бир жуфт янгилик мактубини ердан топиб олгани ва уларни ўқиганини айтди. У уларни меҳр билан ўқиганини ва адабиётларни олувчи одамлар рўйхатига жойлашни сўраганини айтди. У айтдики, Чўпон Аламо ёзган ҳар бир янги мактубни ва ҳар қайси бошқа асарни ўйллашимизни исташини айтди. Изланувчилар Худонинг Каломи ва Чўпон Аламо ҳақида кўпроқ ўрганишлари учун кутубхонасига кела олишлари учун Чўпон Аламонинг барча асарлари тўпламига эга бўлишни истайди. У бу борада ниҳоят ҳаяжонга тушганди. Кутубхона жавонларининг бирини фақатгина Чўпон Аламонинг асарлари билан тўлдиришни бажонидил исташини айтди. Чўпон Аламо Худонинг Сўзини қандай бўлса ўшандай тасвиirlайди.

Ғайрияҳудий қудратининг вакиллари олдида ёлғиз ва ҳимоясиз намоён бўлишига тўғри келди. **Унга қўшилиш учун бир одам ҳам чиқмади.** Яхудо Унга хоинлик қилди; Бутрус қасамлар ичиб Ундан тонди; ва бошқа шогирдлар “Уни қолдириб, қочиб кетишиди” (Мат. 26:56). Ва Унинг хизмати мобайнида у ерда бўлган бир талай аёллар Унга хизмат қилгандилар, У хочга михланганда “узоқ[дан] қараб ” турган эдилар (Мат. 27:55). Унинг энг буюк эҳтиёжи соатида, инсонларча гапирганда, ҲЕЧ БИР КИШИ УНИ ҲИМОЯ ҚИЛМАДИ. Тўғри, кейинроқ, азоб чекишининг ҳолдан тойдирувчи соатларидан сўнг Унинг синган танаси ҳиссиз бўлиб қолганди, Унинг онаси Марям, бир неча имонли аёллар ва Ўзининг севикли шогирди Яхё хочда “ёнида турди”, лекин Унинг оғир кулфати давомида ва Унинг хочга михланишининг дастлабки соатларида, У ўзи қолди —мутлақо

*(Давоми б саҳифада)*

**24 соатлик ибодат ва ахборот линияси—(661) 252- 4362**

## ЙҮЛБОШЧИДАН

(5 Сағифаның давоми)

ёлғиз. Хеч қаңон дунё тарихида хеч ким дүстлари ва севиклилари томонидан Исо ташлаб кетилгани каби бутунлай ташлаб кетилмаган.

Исо тегишли мансабдорлар томонидан ЭМАС, балки каланги-касанғи одамлар тұдаси, оломон томонидан ҳисбә олинди: “унинг ёнида қилич ва таек күтариб олган оломон бор эди. Бу оломонни бош рухонийлар ва оқсоколлар юборган әдилар” (Мат. 26:47). Ҳатто Исо уларнинг ёндашувининг номувофиқлигин изохлади: “сизлар Мени хибсга олиш учун қароқчига қарши чикқандек қиличлару таеклар билан куролланиб келдиларингми? Мен бўлсан, маъбадда кунлик таълим бериб, сизлар билан бирга ўтирар эдим, сизлар-чи, Мени қўлга олмадинглар. Лекин буларнинг ҳаммаси пайғамбар ояглари бажо келиши учун содир бўлди” (Мат. 26:55-56).

“Уни ўлимга маҳкум қилиш учун” Унга қарши гувохлик мақсадида сохта далиллар бериш учун одамлар ўз томонига оғдирилган әдилар (Матт. 26:59) ва У ноқонуний ҳисобланган тунда маҳкамага олиб келинди.

Рим судида, Пилат Уни адолатли ҳукм қилиш учун сабаб излаганда, у одамлардан “У нима ёвузилик қилган экан?” дей сўради. У олган ягона жавоб йўлбошчилари томонидан қўллаб-куватланган оломоннинг “У хочга михлансин...хочга михлансин” деган сабабсиз қичкириклари эди. (Мат. 27:23). Кейин, Пилат сабаб ва адолат сўзлари хеч нарсадан устун бўлмаганини ва ўта ёмон “шовқин-сурон” кўтарилаётганини кўрди, у зўрга қўлини ювиб қўлтиққа артди ва балким хочга михлашлари учун Исони уларга топшириди (Мат. 27:22-26). Бу бутун тарих йилномаларида адолатнинг энг хунук суиистемоли бўлди.

Аммо Масихнинг солиҳлиги нафакат Пилат томонидан—“Мен Ундан ҳеч қандай айб тополмадим” (Юх19:6)— шунингдек эски аҳддаги Ҳалоскор пайғамбар томонидан: “У ёвузилик ҳам қилмаган, Унинг оғзидан ёлғон ҳам чиқмаган” дейилгани тасдиқланди (Иш. 53:9).

## Замбия

Азиз Чўпон Тони Аламо,

Бу мактубни сизга ёзишдан жуда мамнунман. Қандайсиз, Чўпон? Қодир Худонинг кучи билан умид қиласманки, сиз яхши юрибсиз. Сизнинг “Етакчилар ва Масаллар” Дунё Мактубингизни ўқидим, Худо ҳайрон қоларли даражада дуч келишимга имкон берди. Уни ўқигандан кейин, сиздан жуда кўп дуо олдим ва сизга ёзишни жуда истадим. Адашган ва нажот топмаганларга етиб бораётган ажойиб мактубларингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман. Бу орқали улар хаётида Масих шакланиши мумкин. Адабиётингиз орқали, кўп одамлар Масихга етиши ва иблисдан озод этилди. Худо сизни ҳам иқтисодий, ҳам жисмоний ва руҳий томондан марҳаматласин.

Чўпон, мен ёш аёлман, беш йил олдин турмушга чиқканман. Ҳаётимни икки йил бурун Исо Масихга топширидим ва Раббим менга мурувватли бўлди. Бошқаларга Исонинг ҳақиқий хушхабарини вавъз қилиш учун ваҳийга эгаман. Африка аёллари сифатида, анъанавий сарқитлар туфайли занжирбанд тутилдиқ, шунинг учун мен ҳақиқатан ҳам ўзимни Раббим Худога топширишни жуда истайман. Чўпон, адашган қалбларга бориб гувохлик беришимга ёрдам бўлсин учун Библиялар, китоблар, варакалар, магнит лентасига ёзилган Худонинг хушхабарларини ва қўпроқ бошка адабиётларни сўрайтман. Нихоят, Библияни ўрганиш учун материаллар ва магнит лентасига ёзилган қўшикларни

йўллашингизни илтимос қилишни истардим.

Масихда эхтиром ила,  
Л.М. Иисока, Замбия

Хурматли Чўпон Тони Аламо,

Раббимиз Исо Масих номидан менинг илиқ ва самимий саломларим ёр бўлсин. Дунёнинг бурчларига етиб бора олиши, жонлар нажот топа олиши учун Каломни ажойиб тарзда ёйиш мақсадида Худо томонидан фойдаланилиши режалаштирилган ҳаётингиз ва ҳаракат тарзингиз учун Худогарахматайтаман. Чўпон Аламо, Жаноб, иш шеригимнинг ёвузиликлардан холос қилгунига қадар мажусий эдим ва хушхабар варакасидаги мактубингизни ўқиганда, бу менинг қалбимни тўғри йўлга йўналтириди, ва имоним комилки, Худо ҳаётимни ўзгартироқда. Худованд Унинг солиҳлигини кўнглиминизга солишимизни исташини тез тушиниб етдим. Чўпон Аламо, дўстим ва ўзим учун Қодир Худонинг Каломини ўқиши мақсадида инглиз тилида ёзилган бир ёки иккита Библияни сўрамоқдаман. Раббимиз тинчлиги сизга ва руҳингизга ёр бўлсин. Эзгулик учун сизга миннатдорчилик билдираман ва сўровларга жавоб берувчи жонкуяр кишиларга ҳам раҳмат айтаман.

Рахмат.

G.N. Китве, Замбия

## Мексика

Кўп ҳурматли Чўпон Аламо,

Дунёнинг турли қисмларидан жуда қизиқарли мактублар в хушхабарларни ўз ичига олган Сизнинг адабиётингиз ҳатто мен турган жойгача етиб келди. Шубҳасиз, Худо ҳар бир инсонга Ўзининг нажот хушхабари етказила олиши учун сиздан ғоят даражада фойдаланмоқда. Наша ташиғаним туфайли етти ярим йилни қамоқда ўтказдим. Бу ерда ўтказган охирги икки йилим давомида, Худо Ўзини ҳақиқатан ҳам тонг қоларли усуlda менинг аянчли борлиғимга намоён қилди. Бу йил қамоқдан озод бўлишимга умид қиласман ва ўғилларимни имонга киргизиш учун ёрдам бериши мумкин бўлган китобингизни, Йўлбошли ва бошка адабиётларингизни билишни истардим.

Монклова, Коахила, Мексика

## Гана

Севикли ва муҳтарам Чўпон,

Хушхабар вараканлизни менга йўллаганингиздан жуда тўлқинландим. Ўтган хафта сизнинг бир кути хушхабар варакаларингизни олдим. Азиз, Раббим хизматкори, уларни ўқиб одамлар жудаям мамнун бўлди. Биз доимо совғаларимизни баҳам кўрувчи ва ибодат учрашувларида бизни кутиб оловчи кишлопдаги дўстларимиз уларни ўқиши жуда-жуда исташди, ҳамда бошқалардан мактубларни ўқиши билан баъзи кўнгиллар уйғонди. Биз ниҳоят хурсандмиз ва хушхабар материалларини бизга йўллашингиз учун мактублар рўйхатингизга бизни кўшиб қўйишингизни ўтиниб сўраймиз. Бир қанча Библия китоблари, адабиётларингиз керак ва хушхабарчилук хизматингиздан таълимотлар олишдан мамнун бўламиз. Сиз учун, севикли ўғлингиз, Сион учун, ҳамда хушхабарчилук хизматларингиз

## Нигерия

Азиз Чўпон,

Раббим Исо Масих номидан саломлар. Омин. Менга йўллаган охирги хушхабар вараканлиз тарқатилди, ва одамларнинг ҳаётига улар олиб келаётган ўзгаришлардан лол қолдим, ва улар бутун қалблари билан Раббимишга хизмат қилишга ваъда бермоқдалар ва баъзи бирлари сизга ёзишга ваъда қилмоқдалар. Йўлбошли деб сарлавҳа қўйилган 25 китоб нусхасини, ва 150 та сизнинг турли хушхабар варакаларингизни, бир қанча Библиялар, ҳамда менинг хушхабарчилук тарқатиш ишларимда ёрдам бериши учун ва дўстларим, оила аъзоларим ҳамда Раббимиш Исо Масих ҳақида кўпроқ нарсани билишни истаган бошқа одамлар учун истаган китобларни сўрамоқчиман. Мен бу ерда Нигериядаги хушхабарчилук хизматни амалга оширувчи Худога хизмат қиладиганлардан бири бўлишни ҳақиқатан ҳам истайман. Бунга нима кераклигини билишни хоҳлайман. Худонинг кўли сизнинг ҳаёtingиз ва хушхабарчилук хизматингиз устида эканлигини кўрдим, ҳамда ҳаёtingиз ва хушхабарчилук хизматингиз устида ўша мойлаш ва қудратга эга бўлишни истардим. Сиздан эшишини ва қабул қилишни интизорлик билан кутиб қоламан.

Раббимишда Эҳтиром ила,  
Р.М.

Порт Харкорт, Нигерия

бўйича сиз билан бирга ишловчи барча учун ибодат қиласиз. Худо сизни мўл-кўл қилиб марҳаматлайди. Аввало ва шубҳасиз биз учун ибодат қилинг. Ибодат Қодир Худонинг қодир ва кучли кўлларини чорлади. Ибодатсиз, биз шунчаки “худа-бехудага вакт ўтказаётган” бўламиз.” Илтимос, Раббимиз хизмати бўйича узоқдаги кишлопклар ва тоғларга борадиган кўнгилли талабаларимиз учун ибодат қилинг. Уларнинг жасорат, ҳамда имон ва севига эга бўлишлари учун ибодат қилинг. Раббим Рухи Йўлбошчингиз ва етакчингиз бўлсин. У сизни мўл-кўл марҳаматлашни ёдга олсин. Узоқ умр кўришингизни, тинчлик ва фаровонлиқда яшашингизни сўраб Худога ибодат қиласиз.

Масиҳ мухаббати или севувчи,  
А.С. Аккра, Гана

Азиз Чўпон Тони,

*Йўлбошли* деб аталувчи китобингизни, бунга қўшимча ўнта хушхабар варакаларингизни йўллаганингиз учун ташаккур. Бу материаллар руҳий хабардорлик ва ҳаётимда Худонинг иши учун янги тиришқоқлик олиб келди. Имонда совуккон ўстган Масихий дўстларимга баъзи хушхабар варакаларини бердим ва мен уларга ташриф буюрганда, улар барчаси Рухда жонланганлари ва хушхабар вараканлизни ўқиши натижасида муваффакият қозонаётганлари туфайли ҳаммаси ҳақиқий хурсандчиларини ифода қилдилар. Бу одамлар хушхабар варакаларини ўқиши учун чанқоқдирлар, шунинг учун бунга ўта эҳтиёж сезган янги имонга келганлар учун 150 дона атрофида хушхабар варакалари ва бир қанча Библиялар йўллашингизни илтимос қиласан. Уларни менга йўллашингиздан ниҳоятда миннатдорман. Эълон қилишда сиз содик бўлган Худонинг Каломини тўла-тўқис ўқитаётганингиз учун раҳмат. Қодир Худо сизни марҳаматлашда давом этаверсин. Имон тоғларни жойидан жилдиришга қодир. Масиҳдаги қизингиз,

Т.О. Кумаси, Гана

## Того

Масиҳда Севикли, Мактубингизни олишдан жуда хурсандмиз. Сиз йўллаган абадиётлар учун жуда мамнунмиз. Худо ҳақиқатан бу орқали ишламоқда. Рисолаларингиз орқали Масиҳга келган 15 атрофида қалблар имонга келди ва Худо барчангизни мўл-кўл марҳаматлашини сўраб ибодат қилмоқдамиз.

СДларга келсак, улар бизга керак ва янги имонга келганлар учун эса Библиялар ҳам керак. Вазият шуни тақозо этмоқдаки, уларни олишга маблагимиз етмайди. Того жуда қолоқ мамлакат.

Пахса йигилиши учун СДлар ва Библияларни олишни интизорлик билан кутиб қоламиз.

Масиҳ номи билан марҳаматли қолинг, Омин.

Рух. Генри Жеймс Поум, Того

Муҳтарам Чўпон,

Гананинг чекка жойидан сизга саломлар йўлламоқдаман. *Йўлбошли* деб номланган асарингизни ўқиб чиққандан кейин, Исо Масиҳни ўзимнинг шахсий Кутқарувчим сифатида ва менинг учун Унинг келгани ва хочда михланиб жон берганини охир оқибат қабул қилганимни сизга айтишда жуда тўлқинланиб кетаман. Илгари, мен дунёда яшардим ва Худони билмасдим, Унинг Ўғлини, Масиҳни билмасдим, аммо сизнинг асарларингизни ўқиб чиққандан сўнг, энди адашган эканлигимни биламан, бирок энди мен йўлимни топдим, мен коронгуликда эдим, шунга қарамасдан Раббим Худо мени ёруғликка олиб чиқди. Шунинг учун ҳам мен кайта тугилган Масиҳ ва тирик Худонинг ўғлиман. Ҳозирча, менда Библия йўқ, ва мумкин бўлса, менга бирини, шунингдек рисолангиз, *Йўлбошли* дан юборинг. Агарда Худони яхши билишимга ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай китобларни йўлласангиз, бундан бошим осмонга етади. Ҳозирда мен Кофоридуадаги Пентекостал ибодатхонасиға қатнайман. Худо килаётган эзгу ишларингиз учун мўл-кўл марҳаматгласин. Эҳтиром ила,  
Д.Ф. Кофоридуа, Гана

# ТОНИ АЛАМОНИНГ ГУВОХЛИГИ

(3 Саҳифанинг давоми)

(Хар қайси қуриган сүякка, рухан ўликларга хушхабарни тарғиб қилингки, улар “Раббимиз Сўзи”га “кулоқ солсин.”<sup>31</sup>)

“Кимки [Хушхабар]га ишониб, сувга чўмдирилса, нажот топади; ишонмаган эса маҳкум бўлади.”<sup>32</sup>

Агар сиз менга ўхшасангиз ва яхшиси маҳкум бўлишни истамасангиз, бунинг ўрнига нажот топсангиз, у ҳолда Худога мана бундай ибодат қилинг:

**РАББИМ ва ХУДОВАНДИМ, менинг қалбимга, гуноҳкорга муруват кўрсат.**<sup>33</sup> ИСО МАСИҲ тирик ХУДОнинг ЎҒЛИ эканлигига ишонаман.<sup>34</sup> У хочда михланиб ўлгани ва менинг барча олдинги гуноҳларимни кечириш учун ЎЗИНИНГ қимматбаҳо қонини тўкканига ишонаман.<sup>35</sup> ХУДО ИСОни МУҚАДДАС РУҲ кучи орқали ўликлардан тирилтирганига<sup>36</sup> ва гуноҳларим учун тавба қилаётганимни ва ушбу ибодатимни эшишиб шу вақтда ХУДОнинг ўнг қўлида УНИНГ ўтирганига ишонаман.<sup>37</sup> Қалбим эшигини очаман, ва СЕНи, қалбимга чорлайман, ИСО МАСИҲ.<sup>38</sup> [Бош сияги] деган жойдаги хочда менинг

ўрнимга СЕН тўккан қимматбаҳо қон ила бутун жирканч гуноҳларимни юв.<sup>39</sup> СЕН мендан юз ўғирмайсан, РАББИМ ИСО; СЕН менинг гуноҳларимни кечирасан ва қалбимни кутқарасан. СЕНИНГ КАЛОМИНГ, Библия шундай дегани учун биламан.<sup>40</sup> СЕНИНГ КАЛОМИНГ СЕН ҳеч кимдан юз ўғирмаслигингни айтади ва бу мени ҳам ўз ичига олади.<sup>41</sup> Шу туфайли, СЕН мени эшитганингни биламан ва СЕНИНГ менга жавоб берганингни биламан, ҳамда нажот топишими биламан.<sup>42</sup> Ва қалбимга нажот берганинг учун СЕНдан миннатдорман, РАББИМ МАСИҲ, ҳамда СЕН буюрганинг каби амрларингни бажо келтириш ва бошқа гуноҳ қилмаслик орқали миннатдорчилигимни билдираман.<sup>43</sup>

Кутқарилишдан кейин, ИСО ОТА ва ЎФИЛ ва МУҚАДДАС РУҲ номи билан, тўлиқ сувга шўнғиб, чўмдирилишингизни айтди.<sup>44</sup> Библиянинг Ёқуб Подшоҳ нусхасини қунт билан ўкинг ва айтилганиларга амал қилинг.<sup>45</sup>

РАББИМИЗ нажотинг ҳақида бошқаларга айтишингни истайди. Чўпон Тони Аламонинг Хушхабар адабиётининг ёювчиси бўлишинг мумкин. Бу адабиётни сизга текинга йўллаймиз. Кўпроқ маълумот олиш учун бизга қўнгироқ қилинг ёки элек-

tron мактуб йўлланг. Ушбу мактубни бошқа -биров билан бўлишинг:

Агар ИСО буюргани каби дунёнинг нажот топишини истасангиз, унда ХУДОдан УНИНГ ушрлари ва эҳсонларини ўғирламанг. ХУДО шундай деди, “Инсон ХУДОдан нарса ўғирлашга журъат қиласидими? Аммо Сизлар Менинг нарсамни ўғирляпсизлар! Яна “Нимангни ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз!. Э, лаънати бўлиб кетинглар! Менинг нарсамни ўғирлабсиз-а! Сизлар, бутун ҳалқ, [ушбу бутун дунё] лаънатисизлар! Қани, омборхонага ушрни [умумий даромадингизнинг ўн фоизини] беками-кўстқилиб олиб келинглар. Хонадонимга [қалблар нажот топган] озука [рухий озука] келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб қўринглар, — дейди Сарвари Олам. — Шунда қўрасизлар, Мен Осмон деразаларини очаман. Сизларга марҳаматимни чексиз қилиб ёғдирааман. Мен чигирткаларга ман этаман. Мен уларнинг нобуд қилишини юзига соламан. У экинларингизни нобуд қилмайди. Узумзорларингиз хосилига тегмайди, — дейди Сарвари Олам. — Шунда барча ҳалқлар сизларни баҳтли деб атайди. Ҳа, юргингиз оромбахш бир жой бўлади, — дейди Сарвари Олам (Малаки 3:8-12).

<sup>31</sup> 4 Шоҳлар 20:16, Иша. 1:10, Жер. 2:4, Хизр. 37:4. <sup>32</sup> Марк 16:16, 2 Сал. 2:12. <sup>33</sup> Заб. 51:5, Рим. 3:10-12, 23. <sup>34</sup> Матт. 26:63-64, 27:54, Луко 1:30-33, Йох 9:35-37, Рим. 1:3-4. <sup>35</sup> Ҳав 4:12, 20:28, Рим. 3:25, 1 Йох 1:7, Вах. 5:9. <sup>36</sup> Заб. 16:9-10, Матт. 28:5-7, Марк 16:9, 12, 14, Йох 2:19, 21, 10:17-18, 11:25, Ҳав 2:24, 3:15, Рим. 8:11, 1 Кор. 15:3-7. <sup>37</sup> Луко 22:69, Ҳав 2:25-36, Ибр. 10:12-13. <sup>38</sup> 1 Кор. 3:16, Вах. 3:20. <sup>39</sup> Эф. 2:13-22, Ибр. 9:22, 13:12, 20-21, 1 Йох 1:7, Вах. 1:5, 7:14. <sup>40</sup> Матт. 26:28, Ҳав 2:21, 4:12, Эф. 1:7, Кол. 1:14. <sup>41</sup> Матт. 21:22, Йох 6:35, 37-40, Рим. 10:13. <sup>42</sup> Ибр. 11:6. <sup>43</sup> Йох 5:14, 8:11, Рим. 6:4, 1 Кор. 15:10, Вах. 7:14, 22:14. <sup>44</sup> Матт. 28:18-20, Йох 3:5, Ҳав 2:38, 19:3-5. <sup>45</sup> Қон. 4:29, 13:4, 26:16, Ёш. 1:8, 22:5, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, Ёқуб 1:22-25, Вах. 3:18.

Илтимос кўпроқ маълумот олиши ёки қизиқтириши мумкин бошқа мавзулар бўйича адабиётлар олиши учун бизга боғланинг.

**Tony Alamo, World Pastor, Tony Alamo Christian Ministries Worldwide • P.O. Box 2948, Hollywood, CA 90078**

**Йигирма тўрт соатлик ибодат ва маълумот линияси: (661) 252-5686 • Факс (661) 252-4362**

**[www.alamoministries.com](http://www.alamoministries.com) • [info@alamoministries.com](mailto:info@alamoministries.com)**

Тони Аламонинг Дунё бўйлаб Хрестиан Хушхабарчилек хизмати чиндан ҳам РАББИМИЗга бутун юраги, қалби, вужуди ва кучи билан хизмат қилишни истаганларни АҚШ манзилларимизда ҳаёт учун зарур бўлган барча имкониятларга эга жой билан таъминлайди.

**Хизматлар Нью Йорк шаҳрида ҳар Сешанба куни соат 8 тушдан кейин ва бошқа жойларда оқшом ўтказилади**  
**Илтимос маълумот учун (908) 937-5723 рақамига қўнгироқ қилинг. ҲАР БИР ХИЗМАТДАН СҮНГ ТАОМ УЗАТИЛАДИ.**

Чўпон Аламонинг китобини, Масиҳни сўранг, Эски Аҳддан аён бўлган МАСИҲ 333 дан ортиқ башоратда намоён бўлди.

Чўпон Аламонинг адабиётини ёювчи бўлиб кўнгиллар йиғим-теримида меҳнаткаш бўлинг.

Барча адабиётларингиз ва аудио мактубларингиз етказиб беришини ўз ичига олган ҳолда текиндир.  
Агар кимдир улар учун сиздан ҳақ сўрашга ҳаракат қиласа, илтимос (661) 252-5686 рақамига текин телефон қилинг.

**УШБУ АДАБИЁТ НАЖОТНИНГ ҲАҚИҚИЙ РЕЖАСИНИ ТАШИЙДИ (Ҳав 4:12).**

**ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ, БОШҚА КИМДИР БИРОВГА УЗАТИНГ**

**Бошқа мамлакатда бўлганларингизни эса ушбу адабиётни ўз она тилингизга таржима қилишингизга ундаймиз. Агар қайта нусха чиқарсангиз, илтимос ушбу муаллифлик ҳуқуқи ва қайдни қўшиб чиқаринг:**

© Муаллифлик ҳуқуқи Ноябрь 1995, Март 2012 Барча ҳуқуқлар ҳимояланган Дунё Чўпони Тони Аламо ® Ноябрь 1995, Март 2012 санасида рўйхатта олинган

UZBEK—Vol. 06000—Tony Alamo's Testimony—Dry Bones